

ОИЛАЛАРДА ФАРЗАНД ТАРБИЯСИГА РУХИЙ ТАЪСИР ЎТКАЗИШ

Хайдаров Сулаймон Амиркулович

UMFT“Педагогика ва психология”

кафедраси PhD, доцент

haydarov_sulaymon82@mail.ru

Аннотация. Оила ҳаётнинг абадийлиги, авлодларнинг давомийигини таъминлайдиган, муқаддас урф-одатларимизни сақлайдиган, шу билан бирга, келажак насллар қандай инсон бўлиб етишишига бевосита таъсир кўрсатадиган тарбия ўчоғи эканлигини тан олишимиз даркор. Бола тугилган кундан бошлаб оила мұхитида яшайди.

Калим сўзлар: ўсминалар, юзага келаётган жиноятчилик, ичкилиқбозлик, гиёхвандлик, ўз жонига қасд қилиш, оиласда шахслараро муносабатлар, ота-оналарнинг болалар психологияси, психологик педагогик қонуниятлар.

Оила ҳаётнинг абадийлиги, авлодларнинг давомийигини таъминлайдиган, муқаддас урф-одатларимизни сақлайдиган, шу билан бирга, келажак насллар қандай инсон бўлиб етишишига бевосита таъсир кўрсатадиган тарбия ўчоғи эканлигини тан олишимиз даркор. Бола түғилган кундан бошлаб оила мұхитида яшайди. Оиласа хос анъаналар, қадриятлар, урф-одатлар бола зуваласини шакллантиради. Энг мұхими фарзандлар оиласий ҳаёт мактаби орқали жамият талабларини англайди, ҳис этади – деб таъкидлаган эди Ўзбекистон Республикасининг биринчи Президенти И.А.Каримов. Дарҳақиқат, оиласда ота-она ва болалар ўртасидаги муносабатларни тўғри йўлга қўйиш, шарқона оиласий муносабатларда соғлом мұхитнинг юзага келишига, болалар тарбиясининг тўғри олиб борилишига, болаларда ижобий фазилатларнинг ва индивидуал миллий психологик хусусиятларнинг шаклланишига катта таъсир кўрсатади.

Бугунги кунда ўсмиirlар ўртасида юзага келаётган жиноятчилик, ичкилиқбозлик, гиёхвандлик ва ўз жонига қасд қилиш каби турли хил жамиятимиз ва миллатимиз учун ёт бўлган иллатлар айнан, оилада шахслараро муносабатларнинг тўғри йўлга қўйилмаганлиги, отаоналарнинг болалар психологиясини, уларга хос миллий муносабатларни тўғри талқин этмаётганлиги, ота-она ва болалар ўртасидаги муносабатларнинг ўзига хос томонларини психологик педагогик қонуниятларини очиб беришни тақозо этади. Кузатишларга қараганда, болалар ва ўсмиirlар ўртасида содир этилаётган жиноятчилик ва оилавий ажralишларнинг асосий сабаблари ҳам эр-хотин ўртасидаги муносабатларга 323 боғлиқ бўлган низолар асосида намоён бўлмоқда. Бу эса болалар тарбиясида ва уларнинг шахс сифатида шаклланишига салбий таъсир кўрсатади. Оилада болалар билан тўғри муносабатга киришиш жуда муҳим аҳамиятга эга бўлиб, таъсир этиш доираси ижтимоий доира каби кенгdir. Оила болаларни миллий қадриятлар асосида ватанга муҳаббат, меҳнатга ва халқ бойликларига онгли муносабат, нуқсонларга муросасизлик руҳида тарбиялаш учун катта имкониятларга эга. Оилада, айниқса, катта ёшли кишилар, 12-15 ёшли болалар билан тўғри муносабатда бўлиши муҳим аҳамиятга эгадир. Негаки, ҳар қандай бола улгайган сари катталар буйруғини ва кўрсатмаларини ёқтирмайдиган бўла боради. Бу буйруқ ва кўрсатмалар кўпинча қаршилик кўрсатиш, ҳатто, оқилона талабларни бажаришдан бош тортиш ҳолатларини ҳам келтириб чиқаради. Бундай вазиятларда болага нисбатан муомала тарзини ўзгартириш ўзбек халқининг ўзига хос риоя қилувчи тарбиявий жиҳатлари мавжудлигини тўғри етказа билиш мақсадга мувофиқдир. Буйруқ ўрнига ишонтириш усулини қўллаш керак, токи бола ана шу қилиниши керак бўлган фаолиятни бажариши шарт эканлигини онгли тарзда тушуниб етсин. Шундай ҳолатдагина бола ҳар бир ишни онгли тарзда бажаришга одатланади. Агар катта ёшдаги болага панд-насиҳат қилинаверса, унинг ғашига тегиш мумкин. Айни ҳолларда боланинг қалбига кира оладиган педагогик, психологик усулларни қўллаш яхши

самара беради. Ҳаётий кузатишлар шуни кўрсатадики, баъзан айрим оилаларда болага бирор фаолиятни бажариши ёки яхши ўқиши учун уни ёки буни олиб бераман, деб катта вайдалар берилади. Ота-оналар бу билан болаларини таъмагир килиб қўяётганлигини ҳеч ҳам англамайдилар. Шу нарсани таъкидлаш керакки, болалар билан муомала-мулоқот муносабатига киришишда уларнинг психологиясига эътибор бермаслик, оиладаги носоғлом психологик мұхит - бир-бирини ҳақоратлаш, дўқ-пўписа ва зулм ўтказиш асосида килинадиган муносабат болаларда қўрқоклик, асабийлик, ёлғончилик, меҳрсизлик, қўполлик каби сифатларнинг шаклланишига олиб келади. Ота-она ва болалар ўртасидаги муносабатнинг ижобий тус олиши учун ота-она фарзандлари билан мулоқотга киришаёттандаридан милллий педагогик одобга риоя қилмоқлари даркор. Ота-онанинг айтган ҳар бир сўзи таъсир қиласидиган бўлмоғи, сўзнинг айтилиш шакли, шу сўзнинг шаклига мос келадиган ҳолда чехранинг очиқ ёки важоҳатли бўлиши педагогик таъсирнинг таъсирчанлигини оширади. Аксинча, психологик, педагогик одобга риоя қилмаслик, болани ҳаддан ташқари ортиқ севиш ёки бераҳмлик, қаттиққўллик билан муносабатда бўлиш ота-она билан бола ўртасидаги ўзаро муомала муносабатининг кескинлашувига ёки бузилишига сабаб бўлади. Ота-оналар ва болалар ўртасида муомала муносабатларининг ижобийлигини таъминлашда ҳар бир боланинг психологик хусусиятларига хос муомала ва муносабатда бўлиш зарур. Бунда боланинг ёши, психик жараёнлари, индивидуал-психологик хусусиятлари, психик ҳолатлари оиладаги милллий тарбиявий мұхитнинг психологик қонуниятлари ҳисобга олиниши зарур. Боланинг ёшини, маълум вазиятдаги ҳолатини яхшироқ тушуниш учун ўзимизни боланинг ўрнига қўйиб кўришимиз керак. Шунда биз боланинг психик оламини, хоҳишистагини англашиб ета оламиз. Боланинг психик олами, ҳаяжон ва қувончларини, ўй-хаёлларини ўзимизда ифодалаб кўришимиз эса болаларни тушунишда бош мезон бўлиб хизмат қилиши лозим. Ота-она ва болалар ўртасидаги ижобий муомала муносабатларини юзага келтириш кўп жиҳатдан ота-оналарнинг ўз болаларини, уларнинг

феъл-автори, характер хислатлари, 324 қизиқишилари кабиларни билишларига боғлиқдир. Шу жиҳатдан ҳам, ҳар бир ота-она энг аввало, ўз фарзандларини индивидуал-психологик хусусиятлари (темперамент, характер, қизиқиши) хоҳиш-истаклари, эмоционал ҳолатларини билишлари ва шу асосда муомала муносабатда бўлишлари лозимдир. Юқорида келтирилган фикрларга кўра, боланинг хулқи ва дунёқараши шаклланишида оиласда қарор топган соғлом муҳит аввало, оила аъзоларининг ўзаро муносабатлари, ҳамкорлиги, оиласий миллий қадриятларни эъзозлашига боғланади. Бундай ҳолатларни тўғри талқин этиш ҳар бир ота-онанинг ёки оила аъзоларининг этнопсихологик саводхонлик даражасига ҳам боғлиқдир. Зоро, таълим-тарбияга доир билимлар бериш билан биргаликда фарзандлар тарбиясига хос тартиб-қоидаларни амалда тадбиқ этиш ота-оналар фаолиятига боғлиқ бўлиб, шахс сифатида шаклланаётган фарзандларнинг камол топишига имкониятлар яратиб беради.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ.

1. Фозиев Э.Ф. Ёш даврлар психологияси. Тошкент, «Ўқитувчи» нашриёти, 1998.
2. Фозиев Э.Ф. Муомала психологияси. Тошкент, Университет, 2001
3. Omonov, A. O. O., & Haydarov, S. A. (2021). TARIX FANINI O'RGANISHDA FRIGIYA PODSHOLIGINING O'RNI VA AHAMIYATI. *Scientific progress*, 1(5).
4. Turg'Unboyeva, M., & Haydarov, S. A. (2021). TARIX FANINI O'QITISHDA “O'TTIZ YILLIK URUSH” NING AHAMIYATI. *Scientific progress*, 1(5).
5. Ashirova, N. X. Q., & Haydarov, S. A. (2021). TARIX FANINI O'RGANISHDA QADIMGI HINDISTON MADANIYATINING O'RNI VA AHAMIYATI. *Scientific progress*, 1(5).
6. Yoriquulov, A. S. O. G. L., & Haydarov, S. A. (2021). TARIX FANINI O'QITISHDA HIND SIVILIZATSİYASI O'RNI. *Scientific progress*, 1(5).

7. Rahimberdiyev, A. E. O. G. L., & Haydarov, S. A. (2021). TARIX FANINI O'RGANISHDA ELAM DAVLATCHILIGINING O'RNI VA AHAMIYATI. *Scientific progress*, 1(5).
8. Nomozov, M. M. O., & Haydarov, S. A. (2021). OZBEKISTON RESPUBLIKASIDA TA'LIM SOHASIDAGI ISLOHOTLAR. *Scientific progress*, 1(5).
9. Fayziyeva, Y. I. Q., & Haydarov, S. A. (2021). TARIX FANINI O'QITISHDA SURIYA VA FINIKIYA PODSHOLIGI O'RGANILISHI. *Scientific progress*, 1(5).
10. Haydarov, S. A. (2021). TARIX FANINI O'RGANISHDA FRANKLAR DAVLATI O'RNI VA AHAMYATI. *Scientific progress*, 1(5).
11. Амирқулович, Ҳ. С. (2021). ЎЗБЕКИСТОН ТАРИХИ ФАНИНИ ЎҚИТИШДА ТАСВИРИЙ САНЪАТ АСАРЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШНИНГ ЎЗИГА ХОСЛИГИ. *Scientific progress*, 1(3).
12. Амирқулович, Ҳ. У. (2021). ТАРИХ ДАРСЛАРИНИ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШДА МИНИАТЮРАЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШНИНГ ЙЎЛЛАРИ. *Scientific progress*, 1(3).
13. Ҳайдаров С. (2021). Ўзбекистон тарихини ўқитишда миллий миниатюрадан фойдаланиш (Бобурнома мисолида). *Academic Research in Educational Sciences*. 2 (7). 760-764.
- 14.Хайдаров С. (2024). Spiritual influence on child education in families. *Web of Teachers: Inderscience Research*. 2 (11). 203-205.